


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

2022 №10

2011 йилдан чиқа бошлаган

**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
АҲВОРОТНОМАСИ**



ВЕСТИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

Аллаева М.Ж., Ачилов Д.Д., Абдурахманов Ф.Ф., Аскаров О., Холматов Ж.А., Султанов С.А. ЭФФЕКТИВНОСТЬ И БЕЗОПАСНОСТЬ ФЛУОКСЕТИНА У ПАЦИЕНТОВ С УРОЛОГИЧЕСКИМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЛЕЧЕНИЯ	Allaeva M.J., Achilov D.D., Abdurakhmanov F.F., Askarov O., Kholmatov J.A., Sultanov S.A. EFFICACY AND SAFETY OF FLUOXETINE IN PATIENTS WITH UROLOGIC DISEASE: A COMPARATIVE TREATMENT ANALYSIS	99
Амонов Ш.Э., Ражабов А.Х., Файзуллаев Т.С. ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ ОСЛОЖНЕНИЙ ХРОНИЧЕСКОГО РИНОСИНУСИТА У ДЕТЕЙ С ХРОНИЧЕСКИМ ГЕПАТИТОМ В	Amonov Sh.E., Razhabov A.Kh., Fayzullaev T.S. PREVENTION OF COMPLICATIONS OF CHRONIC RHINOSINUSITIS IN CHILDREN WITH CHRONIC HEPATITIS B	104
Бафоева З.О. COVID-19 НИНГ ҚОЛДИҚ АСОРАТЛАРИ УЧРАГАН БЕМОРЛАРДА, ИНДИВИДУАЛ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ	Bafoeva Z.O. EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF AN INDIVIDUAL REHABILITATION PROGRAM IN PATIENTS WITH RESIDUAL COMPLICATIONS OF COVID-19	108
Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И., Пўлатов М.М., Ботиров Т.К., Норов А.Т. МИОКАРД ИНФАРКТИДАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД- ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	Lochinov F.N., Bakhriev I.I., Pulatov M.M., Botirov T.K., Norov A.T. FORENSIC ANALYSIS OF DEATH CASES FROM MYOCARDIAL INFARCTION	113
Бекназаров Ш.Й., Жуманийёзов Э.Х., Шодиев Г.Б., Бекназаров Ж.Ш., Хужаназаров Д.А. Йўл- ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	Beknazarov Sh.Y., Jumaniyozov E.X., Shodiev G.B., Beknazarov J.Sh., Xujanazarov D.A. FORENSIC ANALYSIS OF MORTALITY FROM A ROAD ACCIDENT	117
Бобоҷонова.Ш.Д., Сайдов.А.Б., Рустамова.Н.Х., Собиров.А.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БРУЦЕЛЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИНИ ҚОН ДОНОРЛАРИДА АНИҚЛАНИШИНинг РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ	Bobojonova Sh.D., Saidov A.B., Rustamova N.Kh., Sobirov A.B. RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE DETECTION OF BRUCELLOSIS INFECTION IN BLOOD DONORS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	120
Visogortseva O.N., Boisov S.K. MIOFASIAL OG'RIQ SINDROMI BOR BEMORLARDA MEXANIK TABIATLI FIZIK OMILLARNI QO'LLASH XUSUSIYATLARI	Visogortseva O.N., Boisov S.K. FEATURES OF THE APPLICATION OF PHYSICAL FACTORS OF MECHANICAL NATURE IN PATIENTS WITH MYOFASIAL PAIN SYNDROME	123
Yodgorova N.T., Fayzullayeva Z.R., Tursunova Sh.A. PROBIOTIKLARNING PEDIATRIYADA QO 'LLANILISH VA ULARNING SAMARADORLIGINI BAHOLASH	Yodgorova N.T., Fayzullayeva Z.R., Tursunova Sh.A. APPLICATION OF PROBIOTICS IN PEDIATRICS AND EVALUATION OF THEIR EFFICIENCY	128
Каримов М.Ю., Иноярова Ф.Х., Гулямов Ё.Б. ОСОБЕННОСТИ АКТИВНОСТЬ NO-СИСТЕМЫ В СИНОВИАЛЬНОЙ ЖИДКОСТИ И ЕЁ ВЗАИМОСВЯЗЬ С КЛИНИЧЕСКИМИ СИМПТОМАМИ У БОЛЬНЫХ АРТРОЗАМИ И АРТРИТАМИ	Karimov M.Yu., Inoyatova F.Kh., Gulyamov Y.B. FEATURES OF THE ACTIVITY OF THE NO-SYSTEM IN THE SYNOVIAL FLUID AND ITS RELATIONSHIP WITH CLINICAL SYMPTOMS IN PATIENTS ARTHROSIS AND ARTHRITIS	133
Kudiyarov I.A. YIRINGLI-YALLIG'LANISH KASALLIKLARIDA ST.AUREUS NING ROLI	Kudiyarov I.A. THE ROLE OF ST.AUREUS IN PURULENT INFLAMMATORY DISEASES	138
Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И., Пўлатов М.М., Ботиров Т.К., Норов А.Т. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРАВМАТИЗМИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ	Lochinov F.N., Bakhriev I.I., Pulatov M.M., Botirov T.K., Norov A.T. FORENSIC MEDICAL MEANING OF INDUSTRIAL INJURIES	141
Mamatmusayeva F.Sh., Aliyev Sh.A., Mirvaliyeva N.R. SURUNKALI OSTEOMIELITLI BEMORLARDA ANTIBIOTIKLARNING DAVOLASHDAGI SAMARADORLIGI	Mamatmusaeva F.Sh., Aliev Sh.A., Mirvalieva N.R. EFFICACY OF ANTIBIOTICS IN THE TREATMENT OF PATIENTS WITH CHRONIC OSTEOMYELITIS	144

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРАВМАТИЗМИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ

Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И., Пўлатов М.М., Ботиров Т.К., Норов А.Т.

СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ТРАВМАТИЗМА

Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И., Пулатов М.М., Ботиров Т.К., Норов А.Т.

FORENSIC MEDICAL MEANING OF INDUSTRIAL INJURIES

Lochinov F.N., Bakhriev I.I., Pulatov M.M., Botirov T.K., Norov A.T.

Тошкент тиббиёт академияси, РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиали

Цель. Изучение и статистический анализ случаев смерти от производственного травматизма среди населения Ташкентской области. **Материалы и методы.** С целью изучения случаев смерти, связанных с производственным травматизмом, были проанализированы экспертные заключения Ташкентского областного филиала РНПЦСМЭ по исследованию трупов за 2017-2021 годы. **Результаты.** На основании анализа смертности, связанной с производственным травматизмом, среди населения промышленно развитых районов Ташкентской области за последние 5 лет установлено, что смертность у мужчин выше, чем у женщин (92,4%), в возрастном диапазоне смертность выше среди 18-30 лет (34,8%) и 30-40 лет (28,8%). Больше смертей зафиксировано зимой (25,9%) и летом (34,8%), в среду (16,7%) и пятницу (21,2%) и в дневную часть суток (84,8%). **Выводы.** В целях предупреждения несчастных случаев, связанных с производственным травматизмом, необходимо изучение факторов, имеющие значение в возникновении этих случаев и разработать профилактические мероприятия, направленные на их устранение, а также проводить регулярную разъяснительную работу среди населения.

Ключевые слова: судебно-медицинская экспертиза, производственный травматизм, повреждения.

Objective. Study and statistical analysis of deaths from industrial injuries among the population of the Tashkent region. **Materials and methods.** In order to study cases of death associated with occupational injuries, the expert opinions of the Tashkent regional branch of the Republican Scientific and Practical Center for the Study of Corpses for 2017-2021 were analyzed. **Results.** Based on the analysis of mortality associated with industrial injuries among the population of industrialized areas of the Tashkent region over the past 5 years, it has been established that mortality in men is higher than in women (92,4%), in the age range, mortality is higher among 18-30 years old (34,8%) and 30-40 years old (28,8%). More deaths were recorded in winter (25,9%) and summer (34,8%), on Wednesday (16,7%) and Friday (21,2%) and in the daytime (84,8%). **Conclusions.** In order to prevent accidents associated with industrial injuries, it is necessary to study the factors that are important in the occurrence of these cases and develop preventive measures aimed at eliminating them, as well as conduct regular explanatory work among the population.

Key words: forensic medical examination, industrial injuries, injuries.

Долзарблиги. Бир хил меҳнат ва турмуш шароитида бўлган шахслар гуруҳида кузатиладиган турдош жароҳатларнинг мажмуйи травматизм деб номланади. Травматизмнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар асосан шахсларнинг фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқлиги сабабли қуидагиларга бўлинади: ишлаб чиқариш, транспорт, ҳарбий, қўча, спорт, мактаб ва майший травматизм.

Аксарият инсонлар ишхонада жуда кўп вақтларини сарфлайдилар ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисаларнинг асосий қисми ишхонада ёки ишдан кетаётганда йўлда содир бўлади. Инсоннинг меҳнат фаолияти натижасида олинган барча жароҳатлар ишлаб чиқариш жароҳатлари тушунчасига киритилади.

Ишлаб чиқариш травматизми ўз навбатида саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш травматизмига бўлинади. Транспорт травматизмидаги автомобиль, мотоцикл, велосипед, темир йўл, ҳаво транспорти, сув транспорти травматизми фарқланади. Ҳарбий

травматизм уруш ва тинчлик даври травматизми кўринишларида бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг аксариятида шикастланишлар белгиланган қоида, тартиб ва талабларига риоя қиласлик натижасида вужудга келади. Шулар жумласига спиртли ичимлик, наркотиклар ва бошқа гангитувчи моддаларни истеъмол қилиш ҳам киради.

Статистик маълумотларга кўра, жаҳоннинг барча мамлакатларида сўнгги даврда ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланишларнинг кўпайиши ва уларнинг таркибида мураккаб жароҳатларнинг етказилиши билан боғлиқ ҳолатлар улушининг ортаётгани кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, 2022 йилнинг уч ойи (январ-март) давомида ишлаб чиқаришда 132 та баҳтсиз ҳодиса юз берган. Юз берган баҳтсиз ҳодисалар натижасида 42 нафар ходим ҳалок бўлган, 104 нафар ходим оғир тан жароҳати ва 4 нафари енгил тан жароҳати олган.

Бундан олдин Ўзбекистонда 2021 йилда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида 907 киши жароҳатланганлиги, улардан 238 нафари ҳалок бўлганлиги, 632 нафари оғир ва 37 нафари енгил турдаги тан жароҳатлари олганлиги маълум қилинганди [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7].

Шу сабабдан ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини олдини олиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан биргаликда режали профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиш ўз аҳамиятига эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудлари аҳолиси орасида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш ҳамда травматизнинг турли кўринишларида шикастлашишларнинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш, уларни бартараф қилиш ва бу турдаги нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Текширув натижалари ва муҳокамаси. Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудлари (Ангрен, Бекобод ва Олмалиқ шаҳарлари) аҳолиси орасида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини ўрганиш мақсадида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг ушбу ҳудудларида жойлашган суд-тиббий экспертиза бўлимларида 2017-2021 йилларда ўтказилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик кўрсатгичлар таҳлил қилинди.

Ушбу йиллар давомида жами 3596 та мурдага оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ 66 та (1,8%) ўлим ҳолатлари аниқланган. Аниқланган 66 та ҳолатнинг 62 тасини (93,9%) саноат травматизми ва 4 тасини (6,1%) қурилиш травматизми ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатлари қайд этилмаган.

Ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ жами ўлим ҳолатларининг 61 таси (92,4%) эркакларда ва 5 таси (7,6%) аёлларда қайд этилган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишида 17 та (25,9%), баҳорда 15 та (22,7%), ёзда 23 та (34,8%) ва кузда 11 та (16,6%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Ҳафта қунлари бўйича - душанба 9 та (13,6%), сешанба 9 та (13,6%), чоршанба 11 та (16,7%), пайшанба 9 та (13,6%), жума 14 та (21,2%), шанба 10 та (15,2%) ва якшанба 4 та (6,1%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмиди юз берганлиги таҳлил килинганда: 56 таси (84,8%) кундузи (эрталаб соат 06:00 дан, кеч соат 18:00 гача), 10 таси (15,2%) тунги (кеч соат 18:00 дан, эрталаб соат 06:00 гача) вақтга тўғри келган. Ёши бўйича таҳлил қилганда - 18-30 ёшгача 23 та (34,8%), 30-40 ёшгача 19 та (28,8%), 40-50 ёшгача 13 та (19,8%), 50-60 ёшгача 11 та (16,7%) ҳолат

аниқланган. 60 ёшдан юқориларда ўлим билан якунланган ишлаб чиқариш травматизми кузатилмаган. Алкоголдан мастлик ҳолатларида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатлари аниқланмаган.

Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудлари аҳолиси орасида охирги 5 йил давомида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини таҳлилига кўра, эркакларда ўлим ҳолати аёлларга нисбатан кўп (92,4%) эканлиги, 18-30 ёш оралиғида (34,8%) ва 30-40 ёшгача (28,8%) бўлган шахсларда ўлим кўрсатгичи бошқаларга нисбатан юқорилиги, қиши (25,9%) ва ёз (34,8%) фаслларида, хафтани чоршанба (16,7%) ва жума (21,2%) қунларида ҳамда суткани кундузги қисмиди (84,8%) ўлим ҳолатлари қўп қайд этилганини ва алкоголдан мастлик ҳолатларида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатлари кузатилмаганлиги аниқланди.

Хавфсиз меҳнат кўп жиҳатдан психологик муаммодир. Буни ҳалқаро статистик маълумотлар ҳам тасдиқлади, яъни жароҳатларнинг 4% хавфли меҳнат шароитлари, 96% эса хавфли хатти-ҳараратлар, яъни инсон омили билан боғлиқ ҳисобланади.

Бахтсиз ҳодисалар режалашибирмаган ҳолатлар деб таърифланиши мумкин бўлиб, улар жароҳатлар етказилиши, инсоннинг ўлими, маҳсулотнинг йўқолиши ёки мулкка зарар етказилиши билан баҳоланади. Бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини ўрганмасдан, уларнинг олдини олиш жуда қийин. Бахтсиз ҳодисаларда инсон омилининг иштироки ўзининг табиати, меъёрий хусусиятлари ва бахтсиз ҳодисалар сабаблари таркибидағи аҳамияти билан фарқланади.

Маълумки, корхоналарда жароҳатларнинг юзага келиш частотаси пирамиданинг эслатувчи қонуниятга бўйсунади ва унинг негизида ишлаб чиқаришда юзага келадиган хавф омиллари турса, кейинчалик травмалар ва бошқалар туради.

Шундай қилиб, шикастланишнинг олдини олиш ушбу пирамиданинг базавий даражадаги меҳнат билан, яъни ноксосферани нормаллашибирмаган боғлиқ. Бу, биринчи навбатда, психологик, яъни инсон омилига таянади. Ушбу қоиданинг равшанилигига қарамай, амалда тўлиқ ва мутлақо ишончли маълумотлар бўлмаганлиги сабабли уни амалга оширишда маълум қийинчиликларга дуч келинади.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ нохуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларни вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ аҳоли орасида мунтазам тарзда кенг тушунтириши ишларини олиб борища меҳнатни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кондекси. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Искандаров А.И., Кўлдошев Д.Р. Суд тиббиёти. //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "MERICUS" нашриёти, 2009.
3. Фиёсов З.А. Суд тиббиёти. //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "Global Books" нашрёти, 2018.
4. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.
5. Инсон тараққиёти. Дарслик, и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдураҳмонов таҳрири остида. - Т.: Иқтисодиёт, 2012. - 245 б.
6. Раҳимова Х., Аъзамов А., Турсунов Т. "Мехнатни муҳофаза қилиш: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма". - Т.: Ўзбекистон. 2003, 26-б. 7.
7. Мехнатни муҳофа қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича Халқаро ISO 1999-1975 стандарт маълумотлари (www.iso.org/iso/gu). "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали, 2015, №5, сентябрь-октябрь, www.iqtisodiyot.uz.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРАВМАТИЗМИНИНГ
СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ**

Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И., Пўлатов М.М.,
Ботиров Т.К., Норов А.Т.

Мақсад. Тошкент вилояти аҳолиси орасида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш ўйли билан унга суд-тиббий баҳо бериш. Материал ва усуслар. Ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини ўрганиш мақсадида РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг 2017-2021 йилларда мурда текширувига оид эксперт хулосалари таҳлил қилинди. **Натижалар.** Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудлари аҳолиси орасида охирги 5 йил давомида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг таҳлилига асосан, эркакларда ўлим ҳолати аёлларга нисбатан кўп (92,4%) эканлиги, 18-30 ёш оралигида (34,8%) ва 30-40 ёш (28,8%) бўлган шахсларда ўлим қўрсатгичи нисбатан юқорилиги, қиши (25,9%) ва ёз (34,8%) фасларида, хафтани чоршанба (16,7%) ва жума (21,2%) кунларида ҳамда суткани кундузги қисмида (84,8%) ўлим ҳолатлари кўп қайд этилганлиги аниқланди. **Хуносা.** Ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларни вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда аҳоли орасида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

Калит сўзлар: суд тиббий экспертиза, ишлаб чиқариш травматизми, шикастланиши.